

Закирова Умида Алишеровна

Тошкент давлат юридик университети
Жинойят ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси
anahaniya@mail.ru

Some issues of improving the institution of the advocacy of Republic of Uzbekistan

The strategy for the five priority development directions of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 points to the topical task of improving the system of rendering legal assistance and legal services while ensuring the rule of law. In the article considered the tendencies of development of the institute of advocacy and strengthening of the activity of the lawyer of the Republic of Uzbekistan.

Key words Advocate, advocacy, legal assistance, legal services, advocacy, lawyer's request

Некоторые вопросы совершенствования института адвокатуры Республики Узбекистан

В стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годах указано актуальная задача - совершенствование системы оказания юридической помощи и правовых услуг при обеспечении верховенства закона. В статье рассмотрены тенденции развития института адвокатуры и усиления деятельности адвоката Республики Узбекистан.

Ключевые слова: Адвокат, защитник, адвокатура, юридическая помощь, правовой услуг, адвокатская деятельность, запрос адвоката

Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти янада такомиллаштиришнинг айрим масалалари

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда юридик ёрдам ва хизматлар сифатини тубдан яхшилаш учун қонун устуворлигини таъминлаш долзарб масала

эканлиги белгиланди. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада такомиллаштириш ва адвокат фаолиятини янада кучайтириш масалаларига бағишланади.

Калит сўзлар Адвокат, ҳимоячи, адвокатура, юридик ёрдам, юридик хизмат, адвокатлик фаолияти, адвокат сўрови

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Адвокатура институти эса, ушбу сиёсатни амалга оширишнинг жуда муҳим бир қисми ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, адвокатура фаолиятини тартибга солувчи ҳамда адвокатларнинг дахлсизлигини ва уларнинг эркин фаолият кўрсатишларини кафолатловчи ҳуқуқий-норматив мезон яратилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, “Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади”.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган бўлиб, унда адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатнинг ижтимоий ҳимояси етарли даражада ифода қилинмаганлиги ва юридик ёрдамни таъминлаш кафолатлари зарурияти юзага келганлиги туфайли қисқа муддатда яъни, 1998 йил 25 декабрда адвокатура соҳасига оид иккинчи Қонун “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган адвокатурани ислоҳ қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ана шу ислохотларнинг муҳим босқиси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2008 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3993-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонга асосан, адвокатура институтини янада ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири этиб инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири бўлган адвокатуранинг самарали ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизими яъни, республикадаги барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан адвокатнинг ваколатлари ва мақоми янада оширилди. Ушбу Қонунга асосан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари, “Адвокатура тўғрисида”ги ҳамда “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунларига ҳам қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Эътироф этилганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари адвокатура институтининг тубдан мустаҳкамланиши, янада фаоллашуви, жиноят, фуқаролик ва хўжалик масалаларига оид тергов ва судлов жараёнларида қонунийликни таъминлашда айна муддао бўлмоқда. Хусусан, 2016 йил 21 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг ПФ-4850-сонли “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони эълон қилиниши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларни сифат

жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Фармонда мамлакатимизда юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, жумладан, адвокатура институтини янада ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашда адвокат мақоми ва унинг ролини кучайтириш бўйича қатор таклифлар ишлаб чиқиши кўзда тутилди. Жумладан, суд ишини юритишда иштирок этиш учун адвокат ордерини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартибини қайта кўриб чиқиш, адвокат сўровини кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини аниқлаштириш, фуқаролик ва хўжалик низоларини судгача ҳал қилиш жараёнида адвокат иштирокининг тартиби ва асослари, шунингдек, адвокатлик фаолияти учун ўрнатилган солиқ ставкаларини қайта кўриб чиқиш белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 7 февраль 2017 йилдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда юридик ёрдам ва хизматлар сифатини тубдан яхшилаш учун қонун устуворлигини таъминлаш, хусусан, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг ролини ошириш мақсадида адвокат томонидан далилларни тўплаш ва уларни жиноят иши материалларига қўшиш механизми, судгача ва судда иш юритишда адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини, мутахассисларнинг маълумот-маслаҳатларини сўраш ва олиш тартибини аниқлаштириш, фуқаролик ва хўжалик низоларини судгача ҳал қилиш жараёнида, шунингдек жиноят процессида томонларни яраштириш тартиб-таомилида адвокат иштирокини кенгайтириш, суд ишини юритишда иштирок этиш учун адвокат ордерини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартибини қайта кўриб чиқиш, адвокат ваколатларини тергов ва суд жараёнларининг

барча босқичида кенгайтириш, шу жумладан, адвокат томонидан ишни назорат тартибида кўриб чиқиш ташаббуси механизмларини белгилаш, адвокатларга ҳакамлик судларида ҳакам сифатида иштирок этиш ҳуқуқини бериш, адвокатга лицензия бериш ва уни интизомий жавобгарликка тортиш масаласида давлат органларининг ролини камайтириш, адвокатлик лицензияси фаолиятини тўхтатиш, тугатишнинг суд тартибини босқичма-босқич жорий этиш, адвокатлик тузилмаларининг янги ташкилий-ҳуқуқий шаклларини жорий этиш, шу жумладан, хорижий адвокатлик тузилмаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини яратиш, тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи корпоратив юридик маслаҳатлар ва юридик консалтингларни ривожлантириш каби масалалар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасида адвокат мақомини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан амалдаги қонун ҳужжатлари, ижтимоий ва ҳуқуқий мазмундаги назарий хулосалар, шунингдек, бу борадаги суд-тергов амалиётига таҳлил қилиш натижасида шаклланган таклиф, тавсия ва хулосалар қуйидагича 3 қисмдан иборат тарзда баён этилди.

1. Ўзбекистон Республикасида адвокат мақомига эга бўлиш учун талабгор шахсга қўйилган талабларни такомиллаштириш бўйича:

1. Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ. “Олий юридик маълумотга эга бўлган ва белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини пухта ўзлаштирган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун шахс малака имтиҳонини топшириши шарт.

2. Фақат қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан адвокат мақомига эга бўлиш учун қўйилган чекловлар бўлиши, эҳтиётсизлик

орқасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан чекловлар қўйилмаслиги мақсадга мувофиқ.

3. Қонунчиликда давлат органлари ва ташкилотларида юридик мутахассислик бўйича уч йиллик стажга эга бўлган ходимлар лицензия олиш учун адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс сифатида малака имтиҳонида тегишли стажировка ўтамасдан иштирок этиши ҳуқуқига эга эканлигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

4. Қонунчиликда адвокат мақомига эга бўлишга тайёрланаётган стажер стажировкани нафақат адвокатлик тузилмаларининг бирида, балки бошқа давлат органларида, жумладан, суд, прокуратура органларида камида олти ойдан бир йилгача ўташи мумкинлигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

5. Қонунчиликда адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс малака имтиҳонини топшириш учун зарур ҳужжатлар рўйхати қаторида талабгор ҳақидаги тиббий маълумотнома ҳам тақдим этилиши шартлигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

6. Қонунчиликда Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссияларининг таркиби адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ва адлия ораганлари, шунингдек, психолог ходимлардан тенг миқдорда бўлиши лозимлигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

II. Ўзбекистон Республикасида адвокат мақомини янада такомиллаштириш бўйича:

Қонунчиликда адвокатнинг дахлсизлиги принципини унинг яқин қариндошларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши лозимлигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

1. Адвокат фуқаролик суд ишларида иштирок этганда ишнинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этиши, вакилнинг ишонч билдирувчи шахснинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига янги “Вакилнинг фикри” номли 199¹-модда киритиш мақсадга мувофиқ.

2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 297-моддасини қуйидагича таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ, “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб

чиқишда шу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан у хоҳиш билдирган пайтдан бошлаб адвокат қатнашиши мумкин”.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 53-моддасида кўрсатилган “ҳимоячи бошқа тергов ҳаракатлари юргизиладиганда суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан иштирок этиш ҳуқуқига эга” жумласини қуйидагича баён қилиш мақсадга мувофиқ. Яъни, “ҳимоячи барча тергов ҳаракатлари юргизиладиганда иштирок этиш ҳуқуқига эга”.

4. Қонунчиликда тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиш юзасидан хўжалик ва халқаро арбитраж судлари ишларида фақат тегишли тартибда лицензияга эга адвокат (вакил) иштирок этиши шартлигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

5. Адвокатнинг Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасида белгилаб қўйилган далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни олиш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш, жумладан, адвокатга экспертиза тайинлаш ҳуқуқини бериш орқали адвокатнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

6. Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунига янги 61-модда. “Адвокат сўрови” номли модда киритиш ва уни қуйидагича баён қилиш мақсадга мувофиқ.

61-модда. Адвокат сўрови

Адвокат сўрови – юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан адвокат томонидан сўралган ҳужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериши шарт бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, шунингдек корхона, муассаса ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ҳамда бошқа иш учун зарур ҳужжатларни сўраш ва олиш бўйича адвокатнинг ҳуқуқи.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан адвокат сўровига, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ёзма жавоб юбориши шарт.

Адвокат сўрови давлат сирлари, тижорат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ўз ичига олиши мумкин бўлса,

адвокат мазкур маълумот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиши мумкин.

Адвокат сўровига жавоб тақдим этмаслик муддатларининг давлат органлари ва бошқа органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бузилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш ишида, фуқароларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда иштирок этиш ва қонун ижодкорлиги фаолиятида самарали иштирок этиши учун Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасига қонунчилик ташаббусини бериш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида, адвокатура соҳасидаги бу ислоҳотлар асосан адвокатура институти янада эркинлаштириш, адвокатларнинг ўрни ва мақомини янада кучайтиришга қаратилган, деб айтсак хато бўлмайди.